... КУТУБХОНАСИ ... институти

## XXI АСРДА — ГЛОБАЛ ТАЪЛИМ

*Бунда ўқитувчи диктатор эмас, балки йўналтирувчи (фаселетатор) вазифасини бажаради. Ўқитувчи ўқувчини кенгроқ билим олишига имконият яратади, фақатгина дарсликдаги билимлар билан чегараланиб қолмасдан, балки ўз устида изланишни давом эттиришга, ўрганганларини таҳлил этишга, тўғри қарор қабул қилишга йўналтириб боради.*

2-бет

## "СОҒИНЧ" СОҒИНТИРГАН СОЗАНДА

*... Нуфузли конкурс чоғида ногаҳон Алексейнинг иккита бармоғи синиб қолади. Унинг мусобақадаги иштироки хавф остида қолади. Бироқ ирода, ўз санъатига фидолик устун келади, яъни Алексей гипсни ечиб ташлаб, саҳнага чиқади ва танлов ғолиби бўлишга эришади.*

3-бет

## ДУКЧИ ЭШОН, МУҲАММАД ЮСУФ ВА ХИЗРОБОД АРИҒИ...

*Мен шоир тириклигида бу ерларга келганим йўқ эди. Муҳаммад Юсуф юз йиллар яшаб беради, деб ўйлаган бўлсам керак, бундоқ юрак ёзиб суҳбатлашган ҳам эмасман. Абдуманноб шоирнинг чапани ростгўйлиги, ҳақиқатчилиги, ён-верида юрадиган "дўст"ларининг оқибати ҳақида куюниб гапира кетди.*

4-бет

Mustaqil gazeta

# HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan E-mail: hurriyat@yandex.ru № 3 (465) 2006-yil 25-yanvar

«HURRIYAT»га 2006 йил учун обуна йил бўйи давом этади

*Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!*

Нашр кўрсаткичи — 233

**Мурувват**

*Марғилонда шундай удум бор: ўзи азалдан тадбиркор ва назари тўқ, оқилу фозил халқ эмасми, одамлар мавқеини мол-давлати ёхуд мансаби билан белгилашмайди. Улар учун энг муҳими, сиз сўроқлаётган кишининг касбкорию элу юрти учун дўндириб қўйган савобли ишлари...*

# НОГИРОН ДУНЁ

## ёхуд марғилонлик Муҳаббат Норматованинг ўксик дилларга қандай қилиб йўл очаётгани ҳақида

Бўстон маҳалласининг бош оқсоқоли Тошматжон ҳожи ва Ҳамидахон ҳожи Исмоиловлар оиласи ҳақида гап кетгудек бўлса ҳам худди шундай:

— Нимасини айтасиз, Марғилонимизни энг мўътабар кишиларидан улар, — дейишади фахр билан. — Ҳожидаданинг асли касб-корлари косиблик. Ҳозир ҳам агар ғайрат қилиб қолгудек бўлсалар борми, италян пойафзаллари хижолатдан мум тишлаб қолади. "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор" унвонини бежиз олмаганлар-да, ахир. Яқинда ҳожидада ҳақида "Ибрат чорраҳаси" деган китоб чиқибди. Бу инсон босиб ўтган йўлларда эзгулик обидалари сон-саноқсиз, деб ёзишибди.

Яхши инсонлардан яхши фарзандлар вояга етса, нур устига аъло нур бўларкан. Бу ўринда ҳам Тошматжон ҳожи ва Ҳамидахон ҳожи аянинг элу юрт олдида юзлари ёруғ. Уларнинг ўғил-қиз ва невaралари ўқимишли, салоҳиятли ва обрў-эътиборли, элпарвар фидойи инсонлар бўлиб юртга танилганлар. Мисол учун оиланинг давлатбоши қизи Муҳаббатхон Норматовани олайлик...

Бу ҳақда бугун кўпчилик гапиряпти. Марғилонда ҳам, Фарғонада ҳам фахр билан, ҳавас билан.

"Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Муҳаббатхон Норматова бошлиқ 82 нафар шифокор, педагог ва тарбиячи аёллар давлат кўмагида ҳашар йўли билан қулинг ўргилсин боғча-шифохонани бунёдга келтириб, 200 га яқин ногирон болаларни ўз бағриларига олишибди".

Тафсилот, аслида, бундай эди: ҳеч кимга сир эмас, мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳамма жойларидагидек, Фарғона вилоятида ҳам айниқса ижтимоий муҳофаза масаласига жиддий эътибор бериляпти. Шу жумладан, ногирон болаларга ҳам...

Биргина Марғилон шаҳрининг ўзида бу борада амалга оширилаётган ишлар таҳлилини олиб кўрайлик. Асосий кўпчилиги собиқ Иттифоқ даврининг сўнгги йилларида туғилган ва айни пайтда шаҳар ҳудудида яшаётган ногирон болалар рўйхат бўйича 693 нафарни ташкил этади. Уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, руҳиятини кўтариш, таълим-тарбияга жалб этиш мақсадида, мактабга қатнай олмайдиган, аммо ўқишга лаёқати, қизиқиши, мойиллиги борларини тиббий-педагогик, психологик, дефектологик комиссия хулосасига кўра, республика Вазирлар Маҳкамасининг 159-сонли йўриқномаси асосида уйда таълим олишга жалб қилинган. Шаҳар умумтаълим мактабларида бундай болалар 112 нафарни ташкил этади. Мактабгача таълим ёшидаги ногирон ва турли хил касалликларга чалинган болаларни соғломлаштириш учун эса, бир қатор махсус ва мактабгача таълим муассасалари ташкил этилган.

Шу биланоқ мазкур масала бўйича таскин топиш мумкиндек эди. Бироқ шаҳар ҳокимияти ва прокуратураси, халқ таълими бўлими раҳбарияти амалдаги ишлар жараёнини мустаҳкамлашга, ногирон болалар учун масъулият ва ғамхўрликни кескин оширишга, рўйхатдан четда қолганларни қидириб топиш ва ижтимоий муҳофазага тортиш масаласига принципиал муносабат билдира бошладилар. Оқибатда, бу борада ҳали қатор камчиликлар жой олиб турганлиги ва қилинадиган ишлар кам эмаслиги маълум бўлди. Масалан, ногирон болаларнинг таълим-тарбия муассасаларида жой ва имкониятлар танқислиги, баъзи бир ота-оналарнинг ақлан ва жисмонан мажруҳ фарзандларини давлат ҳимоясига боғлашдан тортинишлари... Шу ўринда, ногирон болалар тақдири учун фидойи, етук мутахассис ва ташкилотчи кадрларга кўпроқ эҳтиёж туғилиб қолди.

Касб-кори ҳам шифокор, ҳам педагог бўлган Муҳаббат Тошматовнанинг меҳнат фаолияти йўлига назар ташлагудек бўлсак, унинг бирон-бир дўхтирхона ёинки мактаб билан боғланиб яшаганини кўрмайсиз. Қаерда ишламасин, фақат ногирон болалар билан! Касалманд, заиф, майиб-мажруҳ болаларни қидириб топиш, таълим-тарбия муассасаларига жалб қилиш, уларнинг дардларига малҳам бўлиш, соғломлаштириш, қалбларига ҳарорат ва қувонч бахш этиш...

Шугина эмас. Бу аёлдаги шижоат, қатъиятлилик, изланиш ва ҳамиша заҳматли меҳнат билан ёниб яшаш фазилатларини кўриб, беихтиёр таҳсин айтасиз. Мисол учун у мудира бўлиб ишлаган 24-ногирон болалар тарбия муассасасини олайлик. Бир вақтлар атиги учтагина гуруҳдан иборат бўлган, кўп жиҳатдан талабга жавоб беролмайдиган, эътибордан деярли четда қолган ана шу масканнинг эндиликда Марғилон халқ таълими бўлими тасарруфидаги ибратомуз даргоҳга айланиши кўп жиҳатдан Муҳаббат Норматова ва унинг аҳил жамоаси фаолиятига боғлиқдир.

... Марғилон шаҳар ҳокимлиги ҳамда халқ таълими бўлимининг қарорлари билан, фалаж ва таянч ҳаракати аъзоларида нуқсони бор болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида янги, "Соғломжон" номли 37-махсус соғломлаштириш



боғчаси ташкил этилди. Янги боғча қулайликларга эга бўлган шинам бинода эмас, балки Янги Марғилондаги 18-мактабгача таълим муассасаси балансида турган, 17 йилдан буён қаровсиз ётган хароба корпусларда оёққа туриши лозим эди.

Айтишгагина осон. Эскини ямагунча эсинг кетади, деган гап ҳам бор. Бинонинг ҳам ички, ҳам ташқисини мукаммал таъмирлаш, атрофини ободонлаштириш, тарбия ва муолажа хоналарини талаб даражасида жиҳозлаш, меҳнатсевар ва аҳил жамоани шакллантириш... Хуллас, қилинадиган ишлар анча эди. Уни рўёбга чиқариш учун эса, Муҳаббат Норматовадек ишбилармон, тиниб-тинчимас раҳбар кадр лозим эди. Шундай бўлди ҳам. Уни 18-боғчадан шу ерга ўтказишди.

Давлат томонидан белгиланган ёрдамлар ўз вақтида кўрсатилди. Вилоят Халқ таълими бошқармаси бино корпуслари томини, Фарғона азотли ўғитлар заводи сув ва иситиш қувурларини янгилаб берди. Айрим жиҳозларга хайрия ўрнида савдо фирмалари кўмаклашиб юборди. Бироқ барибир, асосий ишлар М. Норматованинг зиммасида турарди. У ўзи учун қадрдон таниш-билиш ҳамкасбларни, Марғилон шаҳри ён-атрофларида яшовчи шифокор ва тарбиячи кадрларни янги боғчага ишга чорлай бошлади. Қисқа муддат ичидаёқ 80 нафардан зиёдроқ хотин-қизлар жамоаси шаклланиб бўлди. Қизиғи шундаки, ана шу кадрларнинг ҳар бири ўз иш ўрнини ўзи яратиш, ўзлари фаолият юритадиган гуруҳ хоналарини таъмирлаш ва жиҳозлантириш ишларини ҳашар йўлида ўз ҳисобларидан амалга оширишди.

Халқимизнинг ҳашар, мурувват, ҳомийлик деган олижаноб фазилатлари бу ерда ҳам ўз улуғлигини намоён қилди. Атиги тўрт-беш ой ичидаёқ ногирон болалар шифо ва ҳарорат топадиган соғломлаштириш даргоҳи оёққа турди. Эндиликда фаол иш олиб бораётган ўнта гуруҳ хоналарини бирма-бир айлангудек бўлсангиз, бу ердаги шинамлик ва саранжом-саришталикни ҳамда жисмоний, руҳий-психологик, дефектологик тарбия воситаларини, шифокору тарбиячилар ишини кўриб, ҳаяжонга тушасиз.

Мудира билан ёнма-ён иш юритувчи, психолог Раҳимахон Мамажонова, услубчи Насибахон Неъматуллаева, дефектолог тарбиячи Шаҳноза Норматова, бош ҳамшира Мавжуда Исмоилова, Мавлудахон Дадажонова, Маҳбуба Бобобекова сингари кўплаб ишчи ходимлар, барча гуруҳларнинг тарбиячи ва шифокорлари бир ёқадан бош чиқаришиб, самарали фаолият юритишяпти. Улар Тошкентдаги "Аник" тиббиёт маркази билан ҳамкорликни йўлга қўйишди. Фалаж ҳамда таянч аъзоларида нуқсони бор болаларни марказ бошлиғи, мануал терапия бўйича таниқли олим Алексей Назаров ҳузурига олиб бориб, унинг даволаш курсларидан ўтказдиришди. Шундан сўнг профессорнинг ўзи ҳам Фарғонага, ана шу боғчага ташриф буюриб, унинг тарбиячи ва ҳамшираларига ногирон болаларни соғломлаштириш машқларини ўргатиб қайтди.

Муҳаббат Норматова жамоаси ногирон болаларни Чимён ва Қизилтепа санаторийларига олиб бориб, шифобахш сув ванналарини қабул қилдириш ва шунингдек, бевосита боғчанинг ўзига ўша сувдан ташиб келтириб, ванна процедураларини ўтказишни ҳам йўлга қўйганлиги ўз самарасини бермоқда. Яқиндагина ана шу масканга жалб қилинган, ҳаракатсиз ҳолатдаги Абдусаттор, Нилуфар, Рўзихон исмли ва уларга ўхшаш кўплаб болалардаги ижобий ўзгаришлардан уларнинг ота-оналари қанчалик хурсанд эканлигини айтмайсизми!

— Олдинда қилинадиган ишларимиз ҳали бир талай, — дейди биз билан суҳбатда Муҳаббатхон Норматова, — биз айни пайтда боғчамиз қошида реабилитация марказини очиш ҳаракатидамиз. Яқин орада шифобахш сувли очиқ ва ёпиқ ҳавзали бассейнлар қуриш, профилактик ва даволаш тадбирларимизни энг замонавий усулларга кўчириш ниятидамиз.

Биз мазкур жамоанинг олижаноб ниятлари рўёбга чиқишига дуои фотиҳадамиз ва шу билан бир қаторда, Ҳомийлар ва шифокорлар йилида уларга амалий ёрдамлар кўпроқ кўрсатилишига умид боғлаб қоламиз.

**С. ҚАҲҲОРОВ,**
**"Ҳуррият" мухбири**

**Танлов**

# ОАВ ВАКИЛЛАРИ УЧУН "ОЛТИН ҚАЛАМ" ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ

***"Олтин қалам" халқаро танлови Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бўлиб, у миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимларининг фуқаролик позициясини намоён этиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида ўтказилади. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази танлов ташаббускорлари бўлиб, у ҳар йили ўтказилади. Танлов натижалари 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни эълон қилинади.***

***Танлов турли номинацияларда маҳаллий ОАВ — телевидение, радио, матбуот (охиргиси интернет-журналистикани ҳам ўз ичига олади) ходимлари ўртасида ўтказилади. Битта номинация эса чет эллик журналистлар учун мўлжалланган. Танловда қатнашиш учун буюртмалар ОАВ жамоаларидан, ижодий уюшмалардан, журналистика йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотлардан (даъвогар биттадан ортиқ бўлмаслиги керак), шунингдек, мустақил журналистлардан қабул қилинади.***

***"Олтин қалам" танловини ҳар йили ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ва танлов ғолиби учун мукофотлар давлат бюджети ҳамда республикадаги, шунингдек, халқаро ташкилотлар томонидан молиялаштирилади.***

**1. "ОЛТИН ҚАЛАМ" НИШОНИНИНГ ТУЗИЛИШИ:**

"Олтин қалам" нишони "Рондо" пероси шаклида бўлиб, перонинг уч қисми юқорига қаратилган ҳолда жойлаштирилган. Нишон кўкракнинг чап томонига тақилади.

Нишон кумушдан ясалади ва тилла сув билан қопланади.

**2. ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:**

2.1. Конкурсга аввалги йилнинг 31 мартидан жорий йилнинг 31 мартигача бир йил давомида газета-журналларда чоп этилган, радиода эфирга узатилган ва телевидениеда намойиш этилган материаллар 10 апрелгача қабул қилинади.

**2.2. Конкурс икки кўринишда ўтказилади:**

*Асосий номинация — энг яхши журналистик материал учун.*

Мукофотлар ОАВларининг уч тури бўйича таъсис этилади: — телевидение; — радио; — матбуот (интернет-журналистика ҳам киради). — Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар: — журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;

— йилнинг энг яхши дебюти учун; — энг яхши карикатура учун; — энг яхши фоторепортаж учун; — чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материаллари учун.

**2.3. Танловга босма, радио ва телематериаллар (камида 5 та иш) тақдим этилади. Босма нашр учун: материал чоп этилган даврий нашрнинг асли (ёки нусхаси).**

(Давоми 2-бетда)




*— Қўрқитманг мени, оймомо...*

**Аҳвол**

## РУХСАТ КЕРАК ЭМИШ...

Биз пахта тозалаш заводидан иложи бўлса бирор материал тайёрлаш ниятида Сариосиё тумани пахта тозалаш заводида бўлдик. Завод директорига учрашиб, мақсадимизни билдирдик. Директор жаноблари гапимизни охиригача эшитмай туриб шундай деди: "Ҳокимиятнинг рухсатномаси ёки ҳокимиятнинг вакили бўлмаса, ҳар қандай четдан келганлар заводга киритилмайди". Албатта, биз бундан таажжубга тушиб мухбирлик гувоҳномасини кўрсатдик. У эса парвосизларча "ҳокимликдан алоҳида рухсатнома бўлмаса, гаплашмайман", деди-ю, ҳокимиятнинг кўрсатмаси шундай бўлганлигини қўшимча қилиб, машинасига ўтириб кетди.

Директор ўзини таништирмади ҳам. Биз уни Соатмурод Абдимўминов эканлигини суриштириб билиб олдик. Директор акамиз Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида" ва "Журналистлик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунини тан олмаслиги мумкинми? Пахта тозалаш саноатида давлат сири бўлмаса керак? Чунки қонунда баъзи мустасно ҳолатлардагина журналистнинг ахборот олиш ҳуқуқи чегараланганлиги кўрсатилган. Ёки мазкур вазият ҳам ана шу мустасно ҳолатга киритиладими? Ҳар қандай ҳокимиятдаги масъул кишилар бу раҳбарга қонуннинг моҳиятини, яъни давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига жавобгарлик масъулияти юклангaнлигини тушунтириб қўйишса "нур устига аъло нур бўларди".

Шу бўлди-ю биз мазкур корхона ҳақида ҳеч қандай маълумот ололмадик, улар шу кунларда нима билан машғул эканлигини ҳам билолмадик.

**Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ**

**Муаммо**

# НОМЛАР ҚАНДАЙ ЁЗИЛМОҚДА?

Бир тепалик бор эди. Шаҳардан туманга олиб борадиган серқатнов йўлнинг шу тепалигини автобус бекатидаги чипта сотувчига такрор-такрор айтавериб чарчашгач, кимдир биринчи фазогир Гагарин номи билан атаворди. Ном тополмай турганларга бу осмондан тушган тухфа бўлди ва шундай қилиб, Гагарин бекати, деб атала бошланди.

Ўзбек тили давлат тили мақомини олгандан кейин атала бошлади, кўпгина бошқа номлар ёки сўзлар истеъмолдан чиқди, ўрнига янгилари — ўзимизга мослари, миллийлари танлана бошлади. Бу жараён анча мураккаб кечди ва ҳамон давом этмоқда. "Территория"лар ҳудудга, "проблема"лар муаммога, "сестра"лар ҳамширага айландики, бу ўзбек тилининг сўз ва атамалар заҳираси беҳад эканини намойиш этди. Жуда кўп сўзларнинг ўзбекчаси борлиги, бунинг устига ўша маънони ёркин ифода эта олиши билан кўнгилларни тўлдирди.

Чет сўзларни умуман ишлатмасликнинг иложи йўқ экани ҳам бор гап. Масалан, "компьютер", "телефон", "кредит", "стол-стул"нинг ўзбекча атамаси йўқ, чунки тарихимизда бу нарсаларнинг ўзи бўлмаган, бинобарин, уни сўз билан ифодалаш зарурати ҳам туғилмаган. Ҳозир самолётни "учар", "учоқ", телефонни — "сўзлашгич" дея ишлатишяпти-ю, аммо барчасида ҳақиқий номнинг юки йўқ.

Баъзи давлатларда чет сўзлар оғзаки нутқда ишлатилаверади, аммо ёзмасида таъқиқланади. Айримларида эса ҳеч монеликсиз қўлланилаверади. Қозоқларнинг "жигар" сўзи рус тилига "улоқ" ва "қизқувди"дан репортажлар кириб борди. Афғонистондаги урушдан берилган кўрсатувлар асносида рус луғати «душман», "очаг" (ўчоқ) сўзлари билан бойиди.

Лекин рус тили орқали кириб келган қатор сўзларнинг ўзбекча атамасида фикрлар бир жойдан чиқмаётгани жиддий баҳсларга сабаб бўляпти. "Пенсионер" сўзи бунга яққол мисол. "Порахўр", "текинхўр" сўзидан "хўр" қўшимчаси салбий маънода ишлатилгани учун "пенсионер"ни "нафақахўр" деб таржима қилинаётгани қулоққагина эмас, кўнгилга ҳам малол келяпти. Шунга қарамай оммавий ахборот воситалари, иш қоғозларида, маърузаларда бемалол ишлатиляпти.

Пенсия олувчиларни бир сўз билан атаб бўладими? Ҳозирча йўқ. "Пенсионер" сўзи эса русча сўзлардан воз кечиш жараёнида четга сурилганича турибди. Аслида бу сўз лотинча "pensio" "тўлов" маъносини англатади, яъни фуқаронинг давлат ва жамият равнақи йўлида узоқ йиллар мобайнида қилган меҳнати эвазига тўланадиган ҳақ. "Пенсия" ҳеч қачон "нафақа" эмас ва Республика Атамашунослик қўмитаси ҳам бу икки сўзни бир маънода қўллаш нотўғри, деб тавсия этмоқда.

Катта-кичик идораларни нутққа, ёзувга ўзаро муносабатларга ва даврга мослаб номлаш, аташ кенг кўламда боряпти. Шу туфайли янги-янги номлар, атамалар, сўз бирикмалари луғатимиздан жой оляпти. Шулар орасида идора вазифасига номутаносиб, баҳслилари ҳам учраб турибди. Шу ўринда Ҳадисдаги ота-онанинг вазифаси фарзандига чиройли исм қўйиш, деган ҳикматни ёдга олиб, идора раҳбарлари ҳам ўз ишхоналарини маъқул ва манзур ном билан аташ ташвишини туйсалар яхши бўларди, демоқчимиз.

Худди шундан келиб чиқиб, "Сафарбарлик чақируви резерви" деган номга тўхталсак. Бизнингча, буни сафарбарликка чақирилувчиларнинг резерви (заҳираси) деган маънода тушуниш керак. Уни таржима қилишда шу алфозга солишган. Мантиққа кўра "сафарбарлик резерви", "резервдаги чақирилувчилар" шаклида қўллаш ҳам балки тўғри бўлар.

Идорага ном танлаш, уни аташ ўша раҳбар, ўша жамоанинг ўз иши, унга аралашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Лекин вилоят "Андижонгаз", "...Фарғонагаз", "...Наманганrаз" ҳудудий газ таъминот корхонаси деб номлашганига муносабат билдирмасликнинг иложи йўқ, чунки унда "газ" сўзи такрорланган, "вилоят" сўзи шу вилоят ҳудудини англатиши ўз-ўзидан тушунарли-ку. "Андижонгаз" корхонаси деб аташга ким қарши?

Яна бир мисол: туман пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси. Яқингача йўл қурилиши-таъмирлаш участкаси (ДРСУ) деб келинган забардаст идоранинг номи шунақа бўлиб қолибдики, номида ҳатто йўлсозлигига ишора ҳам йўқ.

Бунақалар кўп ва улар антиқа аташларга намуна бўлиб, сафи тобора ортиб бормоқда.

Баъзи иш қоғозларида директор, раис, бошлиқ сингари вазифалар, бирлашмалар, йирик идоралар, ҳатто уларнинг бўлимлари номлари ўзбек тили имлоси қоидаларига зид ҳолда катта ҳарф билан бошланяпти. Буни истеъмолга кириб келаётган қатор чет эл офислари, уларнинг раҳбар ва ходимлари вазифаларига нисбатан ҳам қўллашяпти.

Кўзга ташланаётган бу иллатларнинг манбалари кўпга ўхшайди. Улардан бири идоралардаги котибалар ёки компьютерчилар дейиш ҳам мумкин.Чунки идораларо иш ва алоқа қоғозлари уларнинг ихтиёрига қўйиб берилган. Улар бирон сўз имлосида иккиланишса, сўрашга имкониятлари бўлмаса, билганларича ёзаверишади ва оқибат қандоқ ёзишса, ҳеч бир тузатишсиз, имзо қўйилиб, муҳр босилиб, ўшандоқлигича жўнатиб юборилмоқда.

25-сонли мактаб, 19-ноябр шаклидаги ифодалар дастлаб иккиланиброқ, чўчиброқ ёзила бориб, ҳозир оммалашиб, қатъийлашиб кетдики, бу билан мактаб ёки ой-кунларининг "25-мактаб", "19 ноябр"дек содда, мақбул кўриниши бузилди ва ҳатто телевидение, газета-журналлар ҳам саналарни "19-ноябр" тарзида ёзиб келишмоқда. Бу қонун билан тасдиқланган амалдаги имло қоидаларига зиддир.

Катта ёшдаги ҳурматли отахон-онахонларимизнинг соддалиги билан "булканон", "маслиёғ" деган атамалар пайдо бўлиб, жамиятнинг тушунган, ўқимишли қатлами орасида анча йил енгил истеҳзо ва ним табассумга сабаб бўлиб юрди. Қарангки, бу қатлам ўзи ҳам айрим сўзларни ўшанақа ишлатяптики, энди уларнинг устидан ким кулсин? Масалан, "дебиторлик қарзлари", "кредиторлик қарзлари"ни ундириш деган ибора катта-катта йиғинларда ўн, юз марталаб такрорланса, матбуот саҳифаларида ўшанча марта ёзиляпти. "Девет" — лотинча бўлиб, "қарздор", "kreditum" ҳам лотинчада "қарз" маъносини англатади ва "дебиторлик қарзлари" дейиш "булканон" дейишнинг ўзи-ку!

Юқоридагилардан ким нимани қандай хоҳласа шундай ёзаверадиган, қўллайверадиган, бунинг учун улардан ҳеч ким масъулият сўрамайдиган давр келибдида, деган хулоса чиқариш мумкин. Агар бу ўтиш даврининг ўткинчи ўзига хослиги, дея кутилаётган бўлса, қаттиқ янглишиш юз бермоқда, чунки бугун шаклланиб, ғализ ва нотўғрилигича истеъмолга кириб қолаётган ном, атамалар эртага мутлақо тўғрилаб бўлмайдиган, аммо ҳеч бир қоидага сиғмайдиган даражага бориб етади. Баайни туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалар, аттестат, паспорт, дипломлардаги масъулиятсизлик, балки саводсизларча бузиб, хато ёзилган ўзбекча исм-шарифларни бугун тўғрилаб ёзишнинг амалда ҳеч иложи йўқлиги каби.

Чумчуқни ҳам қассоб сўйгани маъқул. Шундай экан, нега ўша исмларни, иш қоғозларини ўзбек тили мутахассислари бир қур кўздан кечириб қўйишга таклиф этилмайдилар? Юқоридаги иллатлар болалаб бораётганининг иккинчи сабаби шу. Агар шундай қилинса, номлар, атамалар, алоқа ва иш қоғозларининг грамматик саводхонлиги ортса ортадики, асло камлик кўрмасди.

Мана шу жўнгина, ҳафсаладан эриниш тилимиз, бинобарин, элимизга ҳурматдан чекиниш эмасми?

**Жумабой МУСАЕВ,**
**журналист**

Сафар

# ДУКЧИ ЭШОН, МУҲАММАД ЮСУФ ВА ХИЗРОБОД АРИҒИ...

Фозилбек Отабек ўғлининг “Дукчи Эшон воқеаси” ва Алиназар Эгамназаровнинг “Сиз билган Дукчи эшон” китобини мутолаа қилдим. Фозилбек Отабек ҳарчанд улуғ исёнчининг жасорати ҳақида тўлиб-тошиб ёзмасин, бир лаҳза бўлсин кўз ўнгида кечаётган давр сиёсати, худосизларнинг аёвсиз қамчинини эътибордан қочирмаган. Шу боисдан Дукчи эшонни қарийб қаллобга айлантирган ва унинг кароматларини оддий кўзбўямачиликдан бошқа нарса эмас, деган хулосага келган. Албатта, замон, давр ва шароит нуқтаи назаридан Фозилбекни тушуниш мумкин, аммо тарих ҳақиқати ва адолат қонуни ҳурматли муаллифимизни кечирмайди. Муҳаммадали Собир ўғли — Дукчи эшон ҳеч қачон қаллоб бўлмаган. Худодан қўрқадиган одам ҳеч кимни алдамайди. Қаллоб одам халойиқни исёнга бошлай олмайди ва ўзи ҳам қоматини тик тутиб дор остига боролмайди. Қаллоб эл ўртасида бу қадар эътиқод ва муҳаббатга сазовор бўлолмайди. Қаллоб элнинг улуғларини ватан учун курашга даъват этмаган, бу даъватлардан қўрқиб, фақат қорнини қаппайтиришни ўйлаган элбошилар аслида қаллоб. Ана шу қаллоблар кейинча унинг номини қора тупроққа қоришди, туҳмат қилишди, эл ўртасидаги муҳаббатини юлқиб олмоқчи бўлишди, золимлар, келгиндилар, босқинчиларни улуғлаб қасидалар, тарихлар ёзишди. Уни сазойи қилганлар, бурда-бурдалаб ташланган жисмини охир-оқибат салланглатиб осганларнинг қутқусига учиб, “девона”, “мажнун”, “жинни”, “риёкор”га чиқардилар. Шоирлар уни мазаммат қилиб, шеърлар ва ғазаллар ёздилар, қозилар унинг “жинни”лиги ҳақида фатво чиқардилар, уламолар “сўқир”ликда айбладилар. Фозилбек худди шу сиёсатнинг қурбони бўлди ва улуғ халқ йўлбошчисини “оддий қаллоб”га айлантирди. Бутун диққат-эътиборини Чор подшолигини айблашга қаратган Фозилбек улуғвор пири муршиддан шунча “Степан Разин” ясашга ҳаракат қилди. Алиназар Эгамназаровнинг рисоласи тарихий ҳужжатлар асосида ёзилган бўлиб, унда буюк исёнчининг шахсияти ҳақида деярли лом-мим дейилмаган. Муаллифнинг ҳамма хулосалари тарихий санадларни қайд этишдан иборат. Қаҳрамонлар ишларининг оқибати ҳақида ўйласалар, сандалдан жилмаган бўлардилар. Қаҳрамонлар дор сиртмоғидан, кунда ва жодудан талвасага тушсалар, майдонга бел сириб чиқмаган бўлардилар. Умуман, тарихий далиллар билан ишловчи олимлар ўзлари билмаган ҳолда энг порлоқ сиймонинг ҳам юзига гард юқтиришлари мумкин. Бу тарихий-маънавий жиҳатдан жуда катта оқибатларга олиб келади. Қарийб бутун бошли водийнинг, буёғи Қирғизия, Уйғургача бўлган жуда катта мамлакатнинг пири муршиди, нимага ва кимга қўл кўтараётганини билиб, қурбонлик кундасига тик бора олмоққа журъат топа олган ва бу жасорати билан қудратли империянинг томирларини зирқиратган Дукчи эшоннинг ҳақиқий сиймоси ҳозиргача яратилмай келинаётгани мени қаттиқ изтиробга соларди. Халқ ўзининг жонфидо фарзандларини билиши керак. Тарих беш-ўнта шоирнинг таржимаи ҳолидангина иборат эмас. Тарих чархини майли ҳалокат томон, майли, саодатга томон бўлсин олиб борган қаҳрамонларнинг ҳаёти ва кураши келажак авлоднинг ватанпарварлик, миллатсеварлик, фидойилик, энг муҳими, комиллик йўлидаги тарбиясида катта рол ўйнайди. Беш-ўнта шоир ва адиблардан бошқа кимни халқ қаҳрамони қилиб кўрсатяпмиз? Мадаминбек, Шермуҳаммадбек, Эргаш қўрбоши, Иброҳимбек каби юзлаб шахсларнинг боболаримизнинг на адабий-бадиий, на саҳнавий сиймосини ярата олганимиз йўқ. Аммо юз минглаб тиражда чоп этилаётган фаҳш ва зўравонлик ҳақидаги адабиётлар, суюқдан-суюқ ишқий саргузаштлар билан болаларнинг қонини қиздираётган артистчалар иштирокидаги фильмлар миллатни ҳеч қачон улуғ ғоялар, ўлмас қадриятлар руҳида тарбия қила олмаслигини билсак-да, оғзимизга мум солиб ўтиришдан нарига ўтолмаяпмиз. Сиз Тошкент кўчаларига назар ташланг, бу афишаларга қаранг: эртага болалар шулар руҳида ўсадими?.. Шулардан ибрат оладиларми? Шуларга сиғинадиларми? Ахир бу олчоқ ва ботил қиёфалар бугун балоқазодек ҳамма ёққа бостириб кириб келаяптилар-ку! Фақат кўча-кўйларга эмас, қиз ва йигитларнинг қиёфаларига қаранг, улар тутаётган дафтарларнинг муқовасига боқинг!..

Аравон, Асака, Новқат, Кўнгарт, Кетмонтепа, Қорақўрғон, Мингтепа каби манзиллар ва қишлоқларни ўзимча тасаввур қилардим. Маҳаллий қишлоқларимиз ўртасида от билан эшак орасидаги тафовут йўқлиги, балки улар бир шохдаги икки япроқдек бир-бирига жуда ўхшашлигини, қишлоқлар аксарият дарё соҳилларига, сувлоқларга, дала-даштларга, серяйлов қир-адирларга, лалми ерларга тушишини билмайдиган ўзбек боласи йўқ.

Ҳаммаси деярли бир хил: ҳовли четида оёққа доимий суратда илинаверадиган хас-ҳашаклар чилвири, том бошидаги похол ғарами ва бостирма, ўтин қалаштириб ташланган сарой, ит капаси, ялоқ коса, танбал товуқлар катаги-ю кибрли хўрозларнинг чапаниларча кезинишлари, маърамоқдан томоқлари узайган бузоқлар, эшак қоқилган қозиқ атрофида думи билан чивин сурган хўтикчалар, қўшни ҳовлисида кекирдак чўзган кўппаклар, ўйдим-чуқурлар, пахса уйнинг деразасида ҳолсиз тебранган каштали парда, уй ичида тахмон, нақшли матолардан тикилган кўрпа ва кўрпачалар... Эшик остонасида челак, қумғон, дорга осилган яктак ва шалварлар, четан қўрага ташланган от ва эшак анжомлари, умуман, типик қишлоқ.

Андижон қалъасидан икки юз-уч юз метр наридаги хонадонлардан бирида эдим. Бу ҳовли улкан дарахтлар ва кўп қаватли иморатлар ичида жойлашган бўлиб, Хаканд қишлоғи тепаларидаги ғишт заводининг соҳиби, янги Андижон тадбиркорларидан Абдувосит акага қарашли эди.

— Сиз “Дукчи эшон” кўчасидасиз, илгариги “Дружба” кўчаси, — деди қорача, ўрта бўй, ғайрати ичига сиғмайдиган тадбиркор. Унинг кулча юзлари ловиллаб пишаётган ғиштни эсга солар, суҳбати ширин, одамгарчилиги баланд йигит эди. — Истасангиз, казаклар эшон дадани от аравада сазойи қилиб олиб келган жойларни ҳам кўрсатаман...

Ҳайратимнинг чеки йўқ эди. Кўз ўнгимдан қалъа дарвозалари олдидаги жазирама майдонда дарра билан саваланаётган қўзғолончилар, қаторлашиб тикиб ташланган дор оғочлари, салланглаб турган мурдалар, уввос солиб йиғлаётган халойиқ, казаклар, зобитлар ўта бошлади. Тадбиркорнинг суҳбат халтаси очилди.

— Эшон дадани биласизми?

— Ўқиганман, холос.

— Эшон даданинг кароматларидан гапириб берайми? Бир пуфлаганда гуриллатиб олов ёққанлар, одамларнинг кўнглидан кечган ўйларни сезиб-билиб турганлар... Қодирқул мингбоши эшон дадани тутиб берган. Мингбошининг тўртта хотини бўлган, тўртовини ҳам бировлар илиб кетган... Муҳаммадалибойни эшитганмисиз? ***(Дукчи эшонга қўшилмаган нуфузли бойлардан — М.)***

Бойвачча Ашт томонлардан Андижонга от аравада туз ташиб келтириб тирикчилик қилган қашшоқ Муҳаммадалибойнинг йўл-йўлакай ҳазрати Хизрга дуч келгани, уни отига мингаштириб олгани, ҳазрати Хизр минган от қандай қилиб яшин тезлигида Андижонга етиб келгани ва хум тўла тузлар тиллага айланиб қолгани ҳақидаги ривоятларга чалғиб кетди.

— Буни билиб қолган синглиси қозига шикоят қилиб борибди, — давом этарди тадбиркор. — Қозига: “Отамдан қолган хум тўла тиллалардан акам менинг ҳиссамни бермаяпти. Адолат қилиб ҳақимни чиқариб берсангиз”, дебди. Қози ўз мулозимлари билан Муҳаммадалибойнинг қўрасига келиб, ертўлага тушиб кўрса, хумлар жаранг-журанг тиллалар билан эмас, йилтиллаган, намчил тузлар билан тўлдирилган экан. “Эҳ мияси айниган хотин!” деб қози ертўладан чиқиб кетган экан... Муҳаммадалибой ана шу тиллаларига катта масжид қурдирган. Ҳозир ҳам бор...

Мен иш юзасидан “Дукчи эшон” кўчаси бўйлаб негадир ҳар гал тун маҳали ўтардим ва қорайиб турган қалъа деворларига ҳадик ва ҳайрат билан боқардим. Сафардошим Абдуманнобга Дукчи эшон тарихи билан қадри ҳол шуғулланиб юрганимни айтганимдан сўнг, Марҳаматга йўл олдик. “Олдин Муҳаммад Юсуфни зиёрат қиламиз”, деди Абдуманноб. Юқорида айтганимиздек, “типик қишлоқлар” орқалаб Марҳамат — Мингтепага томон йўлга тушдик. Бу ерларда ҳам қишлоқлар одатдагидек кенг пахта далалари тугаган пушталардан бошланади. Кузак ҳамма ерда ўз қудратини намойиш қилаётган палла: далалар мовий ҳовур ичида кўпчийди, япроқларини шов-шув тўкиб юбориб, яланғоч танаси билан аёзга тўш урган дов-дарахтлар, тиниқлашиб қолган ариқ ва анҳор сувларининг ожиз шилдираши, қора қарғаларнинг тантанавор оёқ олишлари, йўл четида нимадир сотиб ўтирган янги замон савдогарлари, йўл бўйида ўтган йўловчиларни кутиб ўтирган киракашлар, санғиб юрган бесоҳиб эшаклар, қора чопонга ўралиб, ўтган-кетганни кузатиб ўтирган мўйсафидлар, йўл четида осиб қўйилган маъноли шиорлар... Қишлоқлар тобора ўз тусини ўзгартириб бораётгандек. Баъзи иморатлар шаҳардагилардан қолишмасликка ҳаракат қилгандек ориқ, бўйчан тераклар учини доғда қолдириб, кўкка томон тирмашган, айримлари эса одми, оддий... Марҳум шоир Муҳаммад Юсуфнинг Қовунчи қишлоғини топиш учун хийлагина одамларни безовта қилдик. Учраган муюлишда тўхтаб, шоирнинг қишлоғини сўрайвердик, одамлар ҳам эринмай қора чопонлари енгини чўзиб, “ҳув бурилишгача бориб, ўнгга буриласиз... Ашатта...” деб қолавериш-ди. Ниҳоят атрофи оппоқ деворлар билан иҳоталанган баланд дарвозали, каттакон қабристон ёнида тўхтадик. Қабристон деярли дов-дарахтсиз бўлгани учун яланғоч қабрлар ва уларнинг устидаги мармар тошлар яққол кўзга ташланар, шоир дафн этилганидан сўнг хийла обод қилинганлиги шундоқ билиниб турарди. Шоирнинг қабристон этагидаги мозорига элтувчи тор асфалт йўлакча, унинг атрофига экилган гуллар ва куни кеча ўтказилган арча ниҳоллари зиёратчиларнинг доимий ташрифидан гувоҳлик берарди. Қуббали доира айвон остидаги бюстдан боқиб турган шоирнинг кўзлари қабристон дарвозасига қадалгандек, тик ёқали плашчи, текис таралган сочлари, тийрак нигоҳи, ориқ ва чўзинчоқ ияги. Бу ўша шоир эди. Давралар ва олқишлар, қўшиқлар ва тантаналарни бошига кўтарган шоир. Хонандаларга ватан ҳақида қўшиқ айтишни ўргатган, энг содда ва ўтлиғ қўшиқлари билан умумхалқ муҳаббатини қозонган Муҳаммад Юсуф. Каттакон халқнинг муҳаббатини қозона олган ва жуда эрта оламни тарк этган шоирнинг маъноли нигоҳларидан кўп нарсаларни уқиш мумкин эди. Ҳайкал остидаги бир шапалоқ ерга экилган гуллар ҳам шоирнинг ўзига ўхшарди. Қабристон этагидаги уйдан чиқиб келган йигит айвон остидаги ўриндиққа ўтирди ва Қуръон тиловат қилди. “Шоирнинг юзларида ёмғир ва шамолларнинг асорати бор, артиб қўйиш керак”, дедим мен йигитга. У қабристондан ҳокимнинг ўзи хабар олиб туришини, чироқлар, асфалт йўл, девору дарвозалар шоир дафн этилганидан кейин ўрнатилганлиги, зиёратчилар ҳақида гапира-гапира бизни дарвозага довур кузатиб борди. Қабристон этагида қолган шоирнинг нигоҳи ҳамон дарвозада эди. Мен шоир жуда этакка эмас, эҳтимол, дарвоза қошига, ёхуд қабристоннинг ўртароқ қисмига дафн этилса, бўлмасмиди”, деган ўйга бордим ва ўша заҳоти ичимда нимадир кескин рад этди. Шоирлар пойгакда бўлгани маъқулроқ...

Қовунчи қишлоғининг марказидаги анҳор бўйидаги ҳовлида шоирнинг онаси яшарди. Каттакон мевали боғ, деворларига нақш солинган уй, одми ва камтарона кулбалар. Мункайиб қолган, аммо юзлари фавқулодда тоза ва нурли аёл боласининг куйиб қўйгандек ўзи эди. Етмишдан ошиб қолган аёл қўллари титраб елкамиздан олиб кўришган бўлди ва биргина назардан сўнг юзларини рўмол билан тўсди. Унинг овози шоирникидек хаста эди: “Билмасам, бандадан бўлдими, Худоданми, боламдан айрилиб қолдим...” Онанинг қўллари титрар, оёқ олишлари оғир эди. У ўтиролмади. Назира қизи Нозима билан ўша ерда экан. Кўришдик. Ҳовлидаги яйдоқ дарахтларга қарадим. Мен шоир тириклигида бу ерларга келганим йўқ эди. Муҳаммад Юсуф юз йиллар яшаб беради, деб ўйлаган бўлсам керак, бундоқ юрак ёзиб суҳбатлашган ҳам эмасман. Абдуманноб шоирнинг чапани ростгўйлиги, ҳақиқатчилиги, ён-верида юрадиган “дўст”ларининг оқибати ҳақида куюниб гапира кетди. Ҳовлидаги кенг мевали боғ хомуш эди. Уй-музейга мўлжаллаб қурила бошлаган сарғиш ғиштли девор сувга тушган мусичадек мунғайиб турар, дарвоза ортидаги қўлбола расталарда ҳаёт қайнагандан қайнарди. Анҳорнинг тиниқ сувлари кузак осмонидек соф ва беғаш эди. “Хизробод” ариғи. “Нега Хизробод?” дедим шоирнинг болалик дўсти Таваккалга. “Бир вақтлар Хизр бува ариқнинг ўрнини таёғи билан чизиб ўтган экан. Бу ариқ ўша издан пайдо бўлган. Муҳаммаджон яланг оёқ соҳил бўйлаб сайр қилар, кейин сувга тушиб, бир салқинланиб оларди ва уйга кириб кетарди. Чапанича қилиқлари бор эди... Анов мактабда саккизгача билла ўқиганмиз. Ҳозир мактаб унинг номида. Кичикроқ музейи ҳам бор...” Таваккал ўсиқ соқолларидан ийманганнамо марҳум дўсти ҳақида ҳикоя қиларди.

— Аввал дадасини зиёрат қилдик. Биласиз-ку, Нозима дадаси билан гаплашади. Ҳеч кетгиси келмайди. Энди кеч тушиб қолди, қайтамиз...

Назиранинг бошидаги қора рўмол, паришон чеҳрасига уйқаш эди. У афтидан шоир юбилейидан сўнг яна фаромуш бўлиб, чала ярим ташлаб қўйилган уй-музей ва устидан турли нақшлар солиб “пардоз берилган” шоирнинг онаси истиқомат қилаётган кулба ҳақида ўйлаётгандек эди. Ҳали қурилиши тугалланмаган шоирнинг уй-музейи, ҳовли ортидаги Хизробод ариғи ва шоирнинг дарвозага қадалган кинояли нигоҳлари... Азаматлар, ўйладим мен, бу кулбада Дукчи эшон ва Чўлпондан кейин миллат номини қадоқ қўллари ва ориқ елкалари билан кўтариб турган шоир яшаганини билишармикан? Ҳар зарра тупроғини, куйиб жизғанаги чиққан халқнинг шўрли пешонасини, унинг бешик ва исириқларини, эр йигитлари ва келинчакларини, бурнидан сув оққан болакайларини ким ундан ўткариб куйлай олади? У Тошкентнинг зеб-зийнати эди. Бугун Қовунчидаги камтарона қабристон этагидаги қуббасимон том остида ётгани билан у Ватан боласи эди!... Бутун Ўзбекистон унинг қўшиқлари билан нафас оляпти... Оббо, азаматлар-ей, кимдир тепасида айтиб турмаса, ҳеч иш қилишмайди, шекилли, ўйлардим мен... Нигоҳим йўл-йўлакай тадбиркор ва фермерлар, савдогар ва бизнесменларнинг ер тишлаган кулбалар тепасидан боқиб турган арку қўрғонларига тушди. Оббо, азаматлар-ей, ўйладим мен...

**Асқар МАҲКАМ**

Танишув

# ҲАВАСИМ КЕЛАР!



*Юртим тинч бўлса*
*онам оҳ демас*
*Халқим бой бўлса*
*ҳеч ҳам ғам емас*
*Ўзини ҳеч кимдан*
*кам демас*
*Бу доно халқимга*
*ҳавасим келар.*

*Юракка жойлашган*
*билсанг динимиз*
*Жаҳонга машҳурдир*
*она тилимиз*
*Сўзидан қайтмаган ўзбек элимиз*
*Бу озод Ватанга ҳавасим келар.*

*Бирни қўйиб кўпни ўйлар боболарим*
*Совлиқ соғиб кува пишган момоларим*
*Алпомишдек полвон туққан оналарим*
*Барчиндайин қизларингга ҳавасим келар.*

*Дарахтни кўрсангиз бутоғи кўпдир*
*Пахтани биласиз ўтоғи кўпдир*
*Заҳматкаш деҳқоннинг армони кўпдир*
*Серқуёш юртимга ҳавасим келар.*

*Бу мовий осмоннинг тоза ҳавоси*
*Шифобахш қўлларинг дардни давоси*
*Бу янги асрнинг юлдузин таққан*
*Юлдузли ойингга ҳавасим келар.*

*Йигитлик чоғингда букилмас беланг*
*Дунёни тебратган забардаст қўлинг*
*Беш кунлик дунёдан яхши ўт элим*
*Маҳкам ижодингга ҳавасим келар.*

*Танбур, дуторнинг навоси яхши*
*Дўстлар даврасида бўлганинг яхши*
*Ўзбекнинг Ватани ҳаммага яхши*
*Ўзбекистон, сенга ҳавасим келар.*

**Маҳкамбобо РЎЗИЕВ,**
**нафақахўр**

Кузатув

# ЧУМОЛИ ВА КОСМОС

**Илоҳий китобларда ёзилишича, бу фоний дунёни Аллоҳ ўз аксидан яратади ва унда яшаётган 18 минг оламга сардор этиб ажиб бир махлуқот Ҳазрати Одамни яратади. Ҳазрати Одамга бу фоний дунёдаги ҳар бир нарса Аллоҳни эслатиб, унга эришиш йўлида унга моддий ва маънавий кўмак бериб туракан.**

Биргина чумолини олайлик, у бутун мавсум давомида тиним билмай меҳнат қилади, ва ҳатто ўзидан 4-5 баробар катта нарсаларни ҳам ўз уясига ташиш билан овора бўлади. У қишга овқат ғамлаяпти дерсиз? — Йўқ, асло, олимларнинг таъкидлашича, чумолининг асосий озуқаси тупроқ бўлиб, унинг бир қисминигина дон-дунлар ташкил қилар экан ва у бутун мавсум давомида истеъмолидан 10-15 баробар кўп озуқа йиғар экан.

Ўйлашимча, чумолининг инсониятга моддий ёрдами инсонлар томонидан исроф қилинган дон-дунларни яна униб чиқиши учун қайта экиш ва бу билан инсонларнинг исрофгарчиликдан орттирган гуноҳларини енгиллаштиришдир. Маънавий асоси эса, инсонларга ҳаёт фалсафасини доимий эслатиб туришдир. Ҳаммамиз учун севимли бўлган Даниэль Дефонинг “Робинзон Крузо” асаридаги бир эпизодни эслайлик, яъни Р. Крузо кимсасиз оролга тушиб қолиб, ҳамма нарсасидан айрилганида ҳаётдан умидини узиб, соҳилда бошини хам қилганча ўтириб қолди. Шунда қум устида чексиз шижоат ила олдинга интилаётган чумолига кўзи тушади ва унинг устига бир сиқим қум ташлайди, чумоли бўлса, қумни ёриб чиқиб яна олдинга интилади. Шунда Робинзон Крузо чумолининг устига аввалгисидан ҳам кўпроқ қум ташлайди, чумоли бу сафар ҳам қумни ёриб чиқиб олдинга интилади. Бу ҳолат учинчи бор такрорлангандан сўнг Р. Крузо секин бошини кўтаради. Бу сафар унинг кўзларида яшашга бўлган ўт чақнаб турар эди... Чумоли унга ҳаёт фалсафаси фақат олдинга интилишдан иборат эканлигини уқтирган эди. Ҳаёт фалсафаси ҳақидаги минглаб илмий ишлар ва китобларни биргина чумолининг ҳаракатига алмашса арзийди, тўғрими?!

Асар 1651 йили ёзилган бўлса-да, бу воқеа инсониятнинг учишдек азалий орзусини янада тезлаштирди. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, инсоният учишдек азалий орзуси йўлидаги интилишдан тўхтаб тушкунликка тушган пайтда Д. Дефонинг чумолисини эслади ва яна олға интилди. Шу заилда фан ва техника ривожланиб борди... Орадан IV асрдан ортиқроқ вақт ўтди ва ниҳоят 1961 йилда Гагариннинг космосга учиши қайсидир маънода чумоли ҳаракатининг маҳсули бўлди!!!

**Бунёд АБДУЛЛА**

Мутоала

# “ТАҒИН КЕЛДИМ ТОШКЕНТГА”

***Халқлар орасидаги маданий алоқаларни ривожлантиришда адабий таржиманинг ўрни катта. Бу соҳада заҳматкаш шоир ва таржимон Мирпўлат Мирзо ҳам самарали меҳнат қилиб келмоқда.***

Ўзбек ўқувчилари жаҳоннинг кўплаб буюк шоирлари ижодидан намуналарни илк бор М. Мирзо таржимасида ўқимоқдалар. Шоирнинг таржимонлик фаолияти халқаро миқёсда ҳам эътироф қилиниб, Россиянинг Борис Пастернак номидаги ва Қозоғистоннинг “Алаш” адабий мукофотлари билан тақдирланган. М. Мирзонинг 2005 йилда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйида нашр қилинган навбатдаги таржима китоби “Сайра, дўмбирам!” қозоқ шеърияти антологияси” деб номланган. Антологиядан турли авлодга мансуб қарийб 50 нафар қозоқ шоири ижодидан намуналар ўрин олган.

Тўплам қозоқ ёзма адабиёти асосчиси Абай Қўнонбоевнинг дилбар шеърлари билан бошланиб, ҳозир яшаб ижод қилаётган замондош шоирлар ижоди билан ҳам таништиради. Китобни мутолаа қилганда қозоқ шеъриятидаги етакчи ғоялардан бири Туркистон халқларининг бирдамлиги эканига амин бўламиз. Аммо бу ғояни куйлаш барча даврларда ҳам осон бўлмагани ватанпарвар шоир Мағжон Жумабойнинг (1893-1937) ҳаёти ва фожиали қисматидан аён бўлади. Шоирнинг “Туркистон” шеъридаги қуйидаги сатрларни умумий диёримизнинг энг гўзал бадиий тавсифларидан бири дейиш мумкин:

*Туркистон — икки дунё*
*эшиги бу,*
*Туркистон — ҳар бир туркнинг*
*бешиги бу,*
*Туркистон — Тангри берган*
*муқаддас жой,*
*Туркистон — ҳар бир туркка*
*сочар ёғду.*

Қозоқ шеъриятида жўшиб куйлаган мавзулардан бири Ватанга муҳаббат ва она юрт мадҳиясидир. Поёнсиз қозоқ далалари, унда яшаб меҳнат қилаётган жўмард инсонлар ҳаётининг турфа манзаралари китобхон кўз ўнгида намоён бўлади. Ўзбек ўқувчиларининг ҳам севимли шоирларига айланган Ўлжас Сулаймонов ва Мухтор Шохоновлар ижодидан янги таржималар тақдим қилинган.

Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, М. Мирзо таржима учун шеърлар танлашга қардош ва қондош халқларимизнинг асрий дўстлигига бағишланган асарларга алоҳида эътибор берган. Туманбой Мўлдағалиевнинг “Ўзбегим — ўз оғам”, Ғали Ўрмоновнинг “Дўст мадҳияси”, Муқағали Мақатоевнинг “Ўзбек йигитига”, Ҳамид Эрғалиевнинг “Тағин келдим Тошкентга” шеърлари ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Тойир Жароковнинг “Дутор билан думбира” шеъри қуйидаги умид ва ишончга тўла сатрлар билан якунланади:

*Ортда қолсин мозийнинг*
*фарёдлари,*
*Толе кучсин эгиз халқ*
*зурёдлари.*
*Не ажаб, зафарларга*
*эш икки эл*
*Биргаликда учса гар*
*само сари!*

Дихан Абилов ўзининг “Қорақалпоқ бовурларга” шеърида умумий денгизимиз Оролни юракка менгзаб ажойиб ўхшатиш қилади:

*Қорақалпоқ, сен қозоқнинг*
*ўз жонидай,*
*Дил туғёнинг юртимнинг*
*дил туғёнидай.*
*Вужуддаги соф шу юрак*
*ўртамизда —*
*Ўртадаги мовий Орол*
*уммонидай.*

Ғафур Қайирбековнинг “Улуғбек”, Қодир Мирзалиевнинг “Ҳусайн Бойқаронинг вазирларига дегани”, Сирбой Мавленовнинг “Ғафур Ғулом” шеърлари ўзбек халқининг улуғ сиймоларига бағишланган.

Тўпламга шеърлари киритилган ҳар бир шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида мухтасар маълумотлар берилган. Булардан биз уларнинг ҳаётидаги муҳим воқеалар,




қозоқ шеъриятида эгаллаган мақоми ва ҳакозолардан воқиф бўламиз. Масалан, Тўлеген Айберганов (1937-1967) Қорақалпоғистонда туғилиб, Тошкентда Низомий номидаги Педагогика институтида қозоқ тили ва адабиёти факультетида ўқиган. Ўттиз ёшида бевақт вафот этган шоирдан кўплаб лирик, фалсафий шеърлар ёдгор бўлиб қолди ва қозоқ китобхонлари, айниқса, ёшлар томонидан ҳамон севиб ўқилмоқда. Муқағали Мақатоев Данте, Шекспир, Уитмен асарларини қозоқ тилига маҳорат билан ўгирган. Қатор қозоқ шоирлари таниқли ўзбек адиблари билан дўстона муносабатда бўлишган ва бу ҳол уларнинг ижодида ҳам муайян даражада акс этган.

Хулоса қилиб айтганда, қозоқ тили ва адабиётининг билимдони, моҳир таржимон Мирпўлат Мирзо қозоқ дўмбирасини ўзбекча оҳангларда сайрата олди, десак муболаға бўлмайди.

**Ғулом КАРИМ**

ММMда

# ТАСАННО

30 январь куни Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан уюштирилиши кутилаётган Халқаро фестивал ва танловларда совринли ўринларни қўлга киритган ёш ижрочиларнинг тақдимот маросими шундай номланади. Шу муносабат билан 23 январь куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Сайфуллаев ёш мусиқачиларимизнинг халқаро майдонда эришиб келаётган ютуқлари ҳақида тўхталиб, жумладан, ҳуррият ва унинг бетакрор имкониятлари йилдан-йилга тобора кўплаб иқтидорли ёшларни кашф этиб, қўллаб-қувватлаб келмоқда. Айниқса, кейинги тўрт йил давомида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги олий ва ўрта махсус таълим масканлари ҳамда ижодий жамоаларининг ёш аъзолари ва талабалари Россия, АҚШ, Италия, Франция, Германия, Греция, Қозоқистон, Озарбайжон ва бошқа кўплаб давлатларда бўлиб ўтган халқаро фестиваллар ва танловларда иштирок этиб, 67 нафари ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Ушбу бўлиши кутилаётган “Тасанно” тақдимот маросими халқаро давраларда, хориж саҳналарида юксак эътироф ва қалб таҳсинларига муяссар бўлган ёшларимизга юртимизнинг, халқимизнинг фахр-ифтихорга тўлиқ тасаннosини етказиб қўйиш мақсадида ташкил этилмоқда, — деди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг бўлим бошлиғи Шуҳрат Ризаев сўз олиб, 2004 йили Москвада бўлиб ўтган “Зажги свою звезду” халқаро эстарада танловининг Гран-присига сазовор бўлган Карина Тимофеева, шу йили опера ижрочилари ва хонандаларнинг Қозоғистонда ташкил этилган халқаро танловида биринчи ўринга муносиб кўрилди. Абдумалик Абдуқаюмов, 2003 йили пиониначиларнинг Италияда бўлиб ўтган халқаро танловида ғолиб деб топилган Беҳзод Абдурайимов ва бошқа ёшларимизнинг ижрочилигини, қобилиятини, шуҳратини баҳоларкан, чет эллик нуфузли ҳайъат аъзолари уларни ўзбек санъатининг яқин келажакдаги намояндалари сифатида эътироф этишди, — дея таъкидлади.

Шундан сўнг матбуот анжуманига йиғилган санъатшунослар ва журналистлар мавзу доирасида қизғин баҳслашишди.

**Бунёд БЕК**

Таассурот

# МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Ўнлаб ҳикоя, қисса ва романлари билан миллионлаб мухлисларининг қалбини забт этган севимли адибимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг китобларини ҳаяжон билан мутолаа қилмаган адабиёт ихлосмандлари топилмаса керак. У кишининг асарлари асосида саҳналаштирилган “Баҳор қайтмайди”, “Дунёнинг ишлари”, “Маҳалланинг онаси” сингари ажойиб видеофильмларни ойнаи жаҳон орқали катта қизиқиш билан томоша қиламиз. Ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири бўлган адиб билан учрашиш ҳар бир кишининг орзусилиги сир эмас. Яқинда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида севимли ёзувчимиз билан бўлган ижодий учрашув барча талабаларда катта таассурот қолдирди.

Университет ректори, профессор Ғайрат Шоумаров, адабиётшунос олимлар Муҳаббат Шарафиддинова, Сайди Умиров ва бошқалар адибнинг ижод йўли, бадиий адабиётда яратган мактаби, асарларининг ибратли қирралари ҳақида гапирдилар.

Талабаларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб берган адиб сўнгги йилларда қўлма-қўл ўқилаётган “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” тўпламининг янги нашридан парчалар ўқиб берди.

**Азиза УСМОНОВА,**
**Саодат АЪЗАМХЎЖАЕВА,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабалари**

Ўзингни англаб ет!
Mustaqil gazeta HURRIYAT
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 41-49-91. Тел: 135-39-01, 41-52-72
Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ
Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.
Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233
«Hurriyat» kompyuter markazida Bahriddin MINGBOYEV tomonidan sahifalandi.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Бунёд АБДУЛЛАЕВ
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 357
Т: 4050
1 2 3 4 5
® — тижорат белгиси.
Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.